



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
TOSHKENT FARMATSEVIKA INSTITUT REKTORINING

**BUYRUG'I**

20 19 yil " 04 " 04 240 -son

Toshkent sh.

**Вазирликининг 2019 йил 16 мартдаги 1/1-сон  
Хайъат қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида Олий таълим тизими олдида қўйилган устувор вазифалар ижросини сўзсиз ва юқори савияда таъминлаш ҳолати тўғрисида"ги 1/1-сон Хайъат қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор З.А.Юлдашев, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.С.Нормахаматов, ўқув-услубий бўлим бошлиғи Н.А.Абзалова, халқаро алоқалар бўлим бошлиғи А.Абдуллаева ва ахборот технологиялари маркази бошлиғи А.Байдуллаевларга :

1.1. Хорижий фуқароларни республика таълим муассасаларига (жумладан, бакалаврият, магистратура, докторантурага) жалб этиш юзасидан бир ой муддатда институт веб-сайт ва тарқатма материаллари (буклетлар, видеороликлар, қисқа мазмундаги проспектлари ўзбек, рус, инглиз тилларида) янги таҳрирда тайёрлансин.

1.2. Малака ошириш, стажировга ўташ, докторантура ҳамда конференция ва симпозиумларга хорижга юбориладиган ходимлар орқали тарғибот ишларини олиб борилганлиги бўйича ҳар ойнинг охирида Олий ва ўрта махсус вазирлигига ҳисобот бериб борилсин.

1.3. Хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрларни тайёрлаш кенгайтирилсин ва сифатли ташкил этилсин.

1.4. Хорижий олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказларидан етакчи профессор-ўқитувчи, олимлар қисқа ва узоқ муддатли дарс беришга ҳамда илмий раҳбарликка жалб қилишни кенгайтириш чоралари кўрилсин.

1.5. "Эл-юрт умиди" жамғармаси ҳисобидан хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларида малака ошириш, стажировкаларни ташкил этиш, магистратура ҳамда докторантурада ўқиш имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбир режасини 10 кун муддатда ишлаб чиқилсин.

00188100



1.6. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, ўқиш истагини билдирган абитуриентларга кенг имконият яратиш мақсадида ҳамда ижтимоий тенглик тамойилларига мос равишда институтнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган 2020-2024 йилларга мўлжалланган дастурни бир ой муддатда ишлаб чиқилсин ва тасдиқлаш учун вазирликка киритилсин.

2. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

*Асос: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги 1/1-сон Ҳайъат қарори.*

Ректор

И.И.Алимджанов

